



Барқафоролик белгиси!

№ 823

“Туронбанк” Акциядорлик тијорат банкининг
2021 йилга мүлжалланган
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

“Хизматда фойдаланиш учун”

ТАСДИҚЛАНГАН
«Туронбанк» акциядорлик
тијорат банки Кенгашининг
2020 йил «30 » ноябрь

К-82 - сонли қарори билан

 Г.А. Холжигитов



Тошкент – 2020

Бизнес-режа мундарижаси

- I. Макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили
- II. Ўзбекистон Республикаси банк тизими
- III. “Туронбанк” АТБнинг асосий кўрсаткичлари
- IV. Банкни трансформация қилиш жараёнлари
- V. Банк инвестицион фаолиятини ва лойихаларнинг молиялаштириш самаадорлигини ошириш
- VI. Молиявий ресурслар таркиби
 - a. Хорижий кредит линиялари
 - b. Юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари
 - c. Тўғридан-тўғри хорижий кредит линиялари
- VII. Чакана бизнесни ривожлантириш
- VIII. Ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш
- IX. Банк бўлинмаларини таъмирлаш фаолияти
- X. 2021 йил учун молиявий кўрсаткичлар таҳлили
- XI. Банк фаолиятини такомиллаштириш ва самаадорлигини ошириш йўналишлари бўйича банкнинг стратегик режаси

Иловалар

- 1-илова 2021 йилга мўлжалланган соф фойда Режаси
- 2-илова 2021 йилга мўлжалланган молиявий Режа
- 3-илова 2021 йил учун асосий воситалар сотиб олиш Режаси
- 4-илова 2021 йил учун қурилиш Режаси

I. Макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичи Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади. 2021 йил якунлари бўйича дастлабки баҳоларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти **5,8** фоизга ўсиб (2020 йилда якунига прогноз 653,5 трн. сўм) **786,2 трн. сўмни** (75,6 млрд. долларни) ташкил этиши кутилмоқда.

2021 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулоти **18,9** фоизга ўсиб (2020 йилда якунига прогноз 19,5 млн. сўм) **23,2 млн. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й. (кутилиши)	2021 й. (прогноз)
Ялпи Ички Маҳсулот (трн.сўм)	407,5	524,2	653,5	786,2
Олтин валюта заҳиралари (млрд.АҚШ долл.)	27,1	29,1	33,3	33,3
Инфляция даражаси (%)	14,3	15,5	12,5-13	11,0
Ташқи савдо айланма (млрд.АҚШ долл)	33,4	41,1	46,9	52,2
Экспорт (млрд.АҚШ долл.)	14,0	18,9	20,5	23,6
Импорт (млрд.АҚШ долл.)	19,0	24,4	26,3	28,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги расмий маълумотлари

Соҳалар бўйича ялпи ички маҳсулотни улуши 2021 йилги прогнозга асосан хизмат кўрсатишда **35 фоизни**, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига **27 фоизни**, саноатда **31 фоизни**, маҳсулот ва экспорт-импорт операциялари бўйича соғ солиқларда **8 фоизни** ҳамда қурилишда **7 фоизни** ташкил этиши кўзда тутилган.

2021 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 1,5-2 фоизга пасайиб (2020 йилда якунига прогноз 12,5-13 фоиз) **11,0 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

Бундан ташқари 2020 йил ва кейинги икки йилда инфляция даражаси **2019 йилдаги 15,5 фоиздан 2022 йилда 9,5 фоизга** тушиши режа қилинган.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун капитал қўйилмаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ошириш талаб этилмоқда. 2021 йилда **4,9 млрд. АҚШ доллари** миқдоридаги саноат, қишлоқ

хўжалиги ва инфратузилмани ривожлантириш соҳаларидаги йирик лойиҳаларга йўналтириладиган **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** жалб этилиши кутилмоқда.

Давлат бюджетининг 2021 йилдаги даромадлари **152,1 трлн. сўмни** ва харажатлари **153,6 трлн. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда. 2022 йилда эса даромадлари **177,6 трлн. сўмни** ва харажатлари **175,3 трлн. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

Ташки савдо айланмаси ҳажми 2021 йилда **52,2 млрд. доллар** (ўсиш суръати 11,3 фоиз – 2020 йилда кутилаётган прогноз 46,9 млрд. долл.), жумладан экспорт ҳажми **23,6 млрд. доллар** (15,1 фоиз), импорт ҳажми – **28,6 млрд. долларни** (8,7 фоиз) ташкил этилиши режалаштирилган.

II. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унда банкнинг ўрни

“Туронбанк” АТБ II групх банклари орасида ҳам ўзининг самарали фаолияти билан ажralиб турибди. Жумладан, активлар, кредит портфели кўрсаткичларига кўра 1 ўринда, капитал бўйича 2 ўринда ва бошқа йўналишларда ҳам етакчи ўринларга эгадир.

Бунда эса қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби саноатнинг турли тармоқларидаги фаоллик муҳим аҳамиятга эга бўлади.

(млрд.сўм)

№	Банклар номи	Активлар	Капитал	Кредит портфели	Депозитлар	Соф фойда
1	"Ипак Йули" АИТБ	6 642,2	1 207,5	4 421,0	2 533,6	214,3
2	"Ориент Финанс" ХАТБ	4 479,1	1 070,5	2 999,4	2 398,0	190,6
3	"Invest Finance Bank" АТБ	4 552,4	603,7	2 911,6	3 016,8	79,0
4	"Капиталбанк" АТБ	6 311,3	762,3	3 764,7	5 043,2	106,2
5	"Трастбанк" АТБ	4 208,6	769,4	1 997,8	3 251,0	236,5
6	"Asia Alliance bank" АТБ	2 693,0	331,8	1 739,8	1 851,1	40,4
7	"Давр-банк" ХАТБ	1 617,8	278,4	1 207,6	869,5	77,6
8	"Тенге банк" АТБ	1 165,1	354,1	702,7	56,3	15,0
9	"КДБ Банк Узбекистан" АЖ	5 692,8	645,6	876,7	5 034,8	52,9
Жами		37 362,3	6 023,3	20 621,3	24 054,3	1 012,5
"Туронбанк" АТБ		7 976,5	1 172,0	5 871,8	2 036,0	77,0


Манба: “Ахбор-рейтинг” Рейтинг агентлигининг 2020 йил 1 октябрдаги маълумотлари

I-групх банкларига устав капиталида давлат улуши кўп бўлган молия муассасалари киради. Улар асосан давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим тармоқларнинг ривожида фаол иштирок этишади. Ушбу групхда “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака”, “Ипотека”, “Агробанк”, “Халқ банк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Ҳамкорбанк”, “Алоқабанк”, “Микрокредитбанк” ва “Капиталбанк” мавжуд.

III-групх банклари таркибига эса 10 та тижорат молия муассасасини киритиш мумкин. Булар, “Савдогар банк”, “Универсал

банк”, “Ziraat bank Uzbekistan”, “Равнақ - банк”, “Садерат банк”, “Hi- tech bank”, “Пойтахт банк”, “Мадад инвест банк”, “Ўзагроэкспортбанк” ва “Туркистон банк”. Ушбу гуруҳнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда тижорат банкларининг сони бир мунча озроқ ва молиявий кўрсаткичлари ҳам ўртача.

III. “Туронбанк” АТБнинг асосий кўрсаткичлари




“Туронбанк” АТБнинг асосий кўрсаткичларидан бири банк активларини сезиларли даражада ўсганини кўришимиз мумкин. Мисол учун, 2017 йилда умумий активлар 1,5 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунлари бўйича **9,1 трлн. сўмга** етиши ва 2021 йилга келиб қарийиб **10 трлн. сўмни** қайд этиши кутилмоқда. Ушбу муҳим кўрсаткичнинг сезиларли даражада ўсиши банкнинг фаол инвестицион ва кредит сиёсати билан боғлиқдир.

Банк капитали (млрд.сўм)




"Туронбанк" АТБ барқарорлигининг муҳим бўлган банк капитали ҳам ўтган даврда сезиларли даражада ўсган. 2017 йилда 369 млрд. сўм бўлган ушбу кўрсаткич, 2020 йилга келиб **1,2 трлн. сўмга** етиши кутилмоқда. 2021 йилда бу рақам **1,3 трлн. сўмни** ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Кредит портфели (млрд.сўм)



Үтган даврда амалга оширилган тизимли ишлар натижасида банк кредит портфели 2017 йилдаги 906 млрд. сүмдан 2020 йил якунлари бўйича **6,9** трлн. сўмга етиши ва 2021 йилда бу кўрсаткични **1,6** трлн. ошириб **8,0** трлн. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.



Банкнинг молиявий натижа кўрсаткичлари ҳам ўтган даврда сезиларли даражада ўсган. Хусусан, банк 2017 йилда 17,0 млрд. сўм соф фойда олинган бўлса, 2020 йил якуни бўйича 115 млрд. сўм соф фойда олишни режалаштирилган. Жорий йилда дунёда авж олган коронавирус пандемияси ва унинг банкнинг молиявий фаолиятига таъсири сабабли 2020 йил учун бизнес-режада тасдиқланган 135,0 млрд. сўм соф фойда кўрсаткичи 20 млрд. сўмга камайтирилиб 115 млрд. сўм миқдорида қайта тасдиқланди. Шу сабабли, 2021 йил учун соф фойда режаси 130 млрд. сўм даражада тасдиқланиши кўзда тутилган.

IV. Банкни трансформация қилиш жараёнлари

Банкни халқаро андозаларга мувофиқ иш юритадиган замонавий тијорат банкига айлантириш, яъни институционал трансформация қилиш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, 2020 йилдан халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган ва банкни трансформация қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан:

1. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

“Туронбанк” АТБни трансформация қилиш мақсадида **Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Ҳалқаро молия корпорацияси (IFC)** билан ҳамкорлик қилинди ва улар томонидан банк фаолияти тўлиқ диагностикадан ўтказилди. Диагностика давомида **Корпоратив бошқарув, банкда рискларни бошқариш, HR менежменти, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари инфраструктурасини янгилаш ва энг асосийси бизнес-жараёнлари** билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммо ва имкониятлар аниқланди. Ҳалқаро молия корпорацияси томонидан Банкда ўтказилган таҳлил бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва Кенгаш томонидан тасдиқланди.

2. Трансформация жараёнларига жалб қилинган эксперталар

“Туронбанк” АТБнинг трансформация жараёнларига соҳага ихтисослашган халқаро эксперталар ҳам жалб этилди.

Банк соҳаси бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлган, бугунги кунгача “Kase” Қозогистон фонд биржаси масъул ходими Ким Владимир Николаевични “Банк рискларини бошқариш” йўналиши бўйича эксперт сифатида жалб этилди.

Шунингдек, банкда “Чакана ва корпоратив бизнес”ни ривожлантириш мақсадида Россия Федерациясидан банк соҳасида юқори малакага эга кўп йиллар “Альфа банк”да фаолият кўрсатган ва охирги йилларда “Москва индустрисал банк”да мөҳнат қилган эксперт Светличный Андрей Михайлович Бошқарув Раиси маслаҳатчиси сифатида ишга жалб этилди.

Банк Кенгashi аъзолари таркиби **11 нафардан – 9 нафарга** камайтирилди ва **3 та мустақил Кенгаш аъзолари жалб этилди.** Жумладан, Замонавий корпоратив бошқарув тамойилларига асосан

“Осиё тараққиёт банки”нинг “Банк-молия” йўналиши бўйича халқаро эксперти Низомиддин Мурадов банк Кенгашига мустақил аъзо сифатида киритилди.

Бундан ташқари, банк Кенгашига мустақил аъзо сифатида “ЎзОман капитал” жамияти директори Расохон Калонхўжаев ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор Одил Олимжонов сайланди. Мустақил Кенгаш аъзолар улуши 33%ни ташқил этмоқда.

3. Банк хизматлари сифатини ошириш

Трансформация жараёнлари билан параллел равишда “Туронбанк” АТБда хизматлар кўрсатиш қамровини ошириш мақсадида **70** та банк хизматлари офиси ва **92** та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари (**24/7**) ташкил этилди.

Аҳоли ва тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида рақамли ва масофавий банк хизматларининг янги турлари яратилмоқда. Хусусан:

- “Business & Finance Consulting GmbH” компанияси билан ҳамкорликда жисмоний шахсларга чакана кредитларни ажратиш бўйича “Андеррайтинг” тизими жорий қилинди ва **28,5 мингга яқин** жисмоний шахсларга **317,6 млрд.сўм** миқдорида кредитлар ажратилди;
- банк филиаллари ва оғисларида замонавий электрон навбат, янги call марказ, жисмоний шахсларнинг биометрик бармоқ ва Face ID орқали идентификация қилиш, QR технологияси орқали тўловларни ўтказиш, “Tap to phone” (One touch) тизимида “Нимо” ва “Mastercard” орқали тўловларни смартфон орқали қабул қилиш ва 3D secure хизмати жорий қилинди ҳамда DIG ID (паспорт ва Face ID технологияси орқали мижозни идентификация қилиш тизими) дастурий таъминоти ишга туширилди;
- янгиланган “MyTuron” иловаси орқали онлайн-конверсияни амалга ошириш, онлайн омонат очиш ва кредит олиш, “Mastercard” эгалари учун картадан картага ўзаро пул ўтказиш ҳамда “Нимо” пластик карталарига смс хабарномани ёқиш хизматлари жорий қилинди;

- ахборот тизимларни бошқариш ва масофавий фойдаланувчиларни идентификация қилиш имконини берувчи ахборот хавфсизлигини таъминловчи файрвол қурилмаларилари ва серверлар ўрнатилди ҳамда улар технологик жиҳатдан ишга тайёр ҳолатга келтирилди.

- валюта айирбошлиш хусусиятига эга бўлган банкоматлар орқали “Нито” пластик карталаридан 50 ва 100 миқдорида хорижий валюталарни 24/7 режимида сотиб олиш имконияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, хорижий валюталарни нақд миллий валютага сотиб олиш имконияти яратилди.

4. Амалга ошириладиган ишлар

- Халқаро молия корпорацияси тавсияларидан келиб чиқиб, замонавий илғор технологияларга асосланган “Colvir Software Solutions” компанияси томонидан яратилган замонавий автоматлаштирилган банк тизими (АБС) дастурий таъминоти “Colvir Central Asia” МЧЖ ҳамда “GPI group” компания консультантлари билан биргаликда татбиқ этиш ишлари жадаллаштирилди;

- Ходимларни моддий манфаатдорлигини ошириш ва уларга зарур моддий шарт-шароитларни яратиш, банкни энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида бошқариш ва фаолиятини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва мижозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳамда банк маҳсулотларини етказиш жараёнларини ўз ичига оладиган мижозлар билан муносабатлар бошқариш (CRM) ҳамда ҳисботларни автоматик равища шакллантириш (Data Base) тизимлари татбиқ этилади;

- Жисмоний шахсларга бир неча хил турдаги кредит маҳсулотларини жорий этиш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Uzcard” ва “Нито” тўлов тизимлари билан ҳамкорликда “Кредит” карталари ва “Credit Loan” карталари жорий қилинади;

- Юридик шахсларга кредитларни “Андеррайтинг” тизими орқали ажратилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда ва ушбу тизим йил охирига қадар тўлиқ ишга туширилди.

Шунингдек, банкнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва замонавий банк хизматларини жорий этишга қаратилган комплекс вазифаларни амалга ошириш режаллаштирилган.

V. Банк инвестицион фаолиятини ва лойиҳаларнинг молиялаштириш самарадорлигини ошириш

“Туронбанк” АТБ инвестицион фаолият ва лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш бўйича 2021 йилда **2 948,0 млрд. сўм** миқдорида кредит ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирумокда.



Шундан **720,0 млрд. сўм (24%)** кичик ва ўрта бизнес вакилларига, **692,0 млрд. сўм (24%)** йирик корхоналарга, **545,0 млрд. сўм (18%)** қисқа муддатли айланма маблағлар учун ва **991,0 млрд. сўм (34%)** чакана кредитлар учун ажратилиши кўзда тутилган.

Тармоқлар кесимида кўрадиган бўлсак, **саноатда 45 та лойиҳа** амалга оширилиши кўзда тутиляпти. Бунга гидроэнергетика, қурилиш материаллари, металлургия ҳамда бошқалар киради.

Кишлоқ хўжалиги йўналишида эса иссиқхона, чорвачилик, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда сақлаш сингари **180 дан ортиқ лойиҳалар** жамланган.

Ушбу рўйхатга шунингдек, хизмат кўрсатиш ва савдо кредитини ҳам киритиш ўринли. Унда 2020 йил **135 га яқин ташаббуслар** қўллаб – қувватланиши режа сифатида белгиланган. Савдо ва умумий овқатланиш, қуритиш ва бошқа хизматлар, туризм ва транспорт, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари шулар жумласидандир.

Гидроэнергетика лойиҳалари (692 млрд.сўм кредитлар ажратилади)



Мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган лойиҳалардан бири **гидроэнергетика** йўналишида ишларни амалга ошириш “Туронбанк” АТБ томонидан бажарилади.

2019-2020 йилларда молия муассасаси 14 та ГЭСни молиялаштирган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони 78 тага этиши, мавжуд қувватлар эса 2824 МВт ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ажратиладиган маблағлар эса Ҳукумат кафолати асосида Эксимбанк (Хитой) ва ВЭБ РФ (Россия) сингари хорижий кредит линиялари хисобига тўғри келяпти. Ушбу ресурслар орқали умумий миқдорда 19 га яқин лойиҳаларга 391,5 млн. доллар миқдорида маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.


2018-2020 йилларда жами **126,3 млн. АҚШ доллар** миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди.

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА 720 МЛРД. СҮМ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ
САНОАТ СОҲАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР**

1 “XIVA GILAM KOMBINATI” МЧЖ
(Хива шаҳрида)

Полипропилен ип, гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш:

Лойиҳа қиймати	11,8 млн. евро
Кредит суммаси	6,1 млн. евро
Ийллик ишлаб чиқариш ҳажми	2,7 млн. кв.метр.
Ийллик маҳсулот сотишдан тушум	14 млн. евро
Экспорт ҳажми	2,1 млн. долл.
Яратиладиган ишчи ўрни	120 та
Бюджетта тушум	6 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушиш муддати	2021 йил 1-чорак



2 “ORCHID BEAUTY” МЧЖ

(Мирзаобод туманида)

Матони тўкиш ва бўяшни ташкил этиш:

Лойиҳа қиймати	7,3 млн. долл.
Кредит суммаси	5,1 млн. долл.
Ийллик ишлаб чиқариш ҳажми	900 тонна
Ийллик маҳсулот сотишдан тушум	9,0 млн. долл.
Яратиладиган ишчи ўрни	700 та
Бюджетта тушум	5 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушиш муддати	2021 йил 3-чорак



3 “STAFFING SERVIS” МЧЖ

(Қўхон шаҳрида)
Пойабзал таг қисми ва пойабзал елимини ишлаб чиқариш:

Лойиҳа қиймати	5,4 млн. долл.
Кредит суммаси	3,5 млн. долл.
Ийллик ишлаб чиқариш ҳажми	16,5 минг тонна
Ийллик маҳсулот сотишдан тушум	15 млн. долл.
Экспорт ҳажми	15,0 млн. долл.
Яратиладиган ишчи ўрни	168 та
Бюджетта тушум	6,5 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушиш муддати	2021 йил 2-чорак



4 “БУХАРА РЕАЛ МОТО” МЧЖ

(Қоравулбозор туманида)
Мото транспорт воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш:

Лойиҳа қиймати	2,3 млн. долл.
Кредит суммаси	0,9 млн. долл.
Ийллик ишлаб чиқариш ҳажми	8 500 дона
Ийллик маҳсулот сотишдан тушум	1,7 млн. долл.
Экспорт ҳажми	10,0 млн. долл.
Яратиладиган ишчи ўрни	100 та
Бюджетта тушум	8 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушиш муддати	2021 йил 3-чорак



Саноат ривожи учун талаб этилаётган асосий жиҳат бу албатта маҳаллийлаштиришdir. Бу йўналишда ҳам “Туронбанк” АТБ самарали ишларни олиб бормоқда.

Бунга мисол қилиб ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшиши кутилаётган бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналарини келтиришимиз мумкин.

Хусусан, “Xiva Gilam Kombinat” МЧЖ ҳам банкнинг доимий мижозларидан ҳисобланади. Полипропилен ип, гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришни мақсад қилган корхона ҳам “Туронбанк” АТБ кредити эвазига ўз ишлаб чиқариш жараёнини яхшилади. Унинг йиллик қуввати 2,7 млн. кв.м. гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлиб, лойиҳанинг амалга оширилиши орқали 120 та янги иш ўрни яратилади.

“Orchid Beauty” МЧЖ матони тўкиш ва бўяшни ташкил этиш билан шуғулланувчи корхона. Лойиҳа қиймати 7,3 млн. доллар. Ийллик ишлаб чиқариш ҳажми 900 тонна. Яратиладиган янги иш ўринлари 700 та.

“Staffing Servis” МЧЖ ҳам шундай истиқболли лойиҳалардан бири ҳисобланади. Пойабзал таг қисми ва пойабзал елими маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона банк кредитлари орқали йилига 16,5 минг тонна пойабзал таг қисми ва 4800 тонна пойабзал елими маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўзламоқда. Унинг умумий қиймати 5,4 млн. доллар бўлиб, 168 та янги иш ўрни яратилади.

“Buxoro Real Moto” МЧЖ. Ушбу мототранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг умумий қиймати 2,3 млн. доллар бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 8,5 минг дона мототранспорт воситаларидир. Молия муассасасининг кўмагида иш бошлиши режалаштирилаётган заводда 100 та янги иш ўринлари яратилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР (378 МЛРД.СҮМ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ)


1 “ISPARON LIVESTOCK AND GREENHOUSE” ФХ

(Косонсой туманида)

Чорвачилини ривожлантириш

- Лойиха қиймати
- Кредит суммаси
- Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми
- Йиллик маҳсулот сотишдан тушум
- Яратиладиган ишчи ўрни
- Бюджетга тушум
- Лойиха ишга тушиш муддати

- 3,1 млн. долл.
- 1,6 млн. долл.
- 3 млн. литр
47 минг кг.
- 1,2 млн. долл.
- 60 та
- 0,6 млрд. сўм
- 2021 йил
1-чорак



2 “QUVA TOMORQA XIZMATI” МЧЖ

(Қува туманида)

Кластер усулида иссиқона ташкил этиш, меваларни қайта ишлаш ҳамда мева-сабзавотларни қабул қилиш, сақлаш ва экспорт килиш

- Лойиха қиймати
- Кредит суммаси
- Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми
- Йиллик маҳсулот сотишдан тушум
- Экспорт ҳажми
- Яратиладиган ишчи ўрни
- Бюджетга тушум
- Лойиха ишга тушиш муддати

- 2,9 млн. долл.
- 1,9 млн. долл.
- 3 084 тонна.
- 2,3 млн. долл.
- 1,7 млн. долл.
- 70 та
- 2,0 млрд. сўм
- 2021 йил
4-чорак



3 “GOLDEN NUTS” МЧЖ

(Чорток туманида)

Насилдор зотли қора молларни кўтайдириш, гүшт ва сут маҳсулотларни етиштиришни ташкил этиш

- Лойиха қиймати
- Кредит суммаси
- Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми
- Йиллик маҳсулот сотишдан тушум

- 2,9 млн. долл.
- 1,9 млн. долл.
- 1,8 млн.тоннна.
- 820 минг долл.



- Яратиладиган ишчи ўрни
- Бюджетга тушум
- Лойиха ишга тушиш муддати

- 50 та
- 0,4 млрд. сўм
- 2021 йил
4-чорак



“Туронбанк” АТБ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестицион лойиҳаларни ҳам самарали қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бунга мисол сифатида “Isparon Livestock and Greenhouse” МЧЖни келтиришимиз мумкин. Наслли қорамоллар ва сутни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ушбу корхонанинг умумий қиймати 3,1 млн. доллар бўлиб, банк кўмагида йилига 632 875 литр сут, 2 440 минг литр сут маҳсулотлари ва 46 500 кг гўшт маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Яратиладиган ишчи ўрни 60 та.

“Quva Tomorqa Xizmati” МЧЖ корхонаси кластер усулида иссиқона ташкил этиш, меваларни қайта ишлаш ҳамда мева-сабзавотларни қабул қилиш, сақлаш ва экспорт килиш билан шуғулланади. Мазкур корхонага 1,9 млн. долл. миқдорида кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Умумий лойиҳа қиймати 2,9 млн. долл. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 104 тонна қулупнай, 50 тонна мева-сабзавотларни қайта ишлаш, 2800 тонна мева-сабзавотларни сақлаш, 130 тонна помидор ва бодринг етиштириш. Яратиладиган янги иш ўринлари 70 та.

Шу билан бирга, “**Golden Nuts**” МЧЖ кластер усулида наслдор зотли қора молларни күпайтириш, гүшт ва сут маҳсулотларини етишиши билан шуғулланишни мақсад килган. Лойиҳанинг умумий қиймати 2,9 млн. доллар. Мазкур корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,8 млн. тонна гүшт ва сут маҳсулотлари. Яратиладиган янги иш ўринлари 50 та.

“Туронбанк” АТБ томонидан аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида **қоракўлчилик йўналишини ривожлантиришга** алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, 2020-2021 йилларда умумий қиймати 120 млрд. сўмлик кредит маблағлари ҳисобидан майдо шохли чорвани кўпайтириш ва қоракўл терисини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш кўзда тутилган. Республика миқёсида ташкил этилаётган 77 кластерларга кредит маблағлари ажратилади.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ЙЎНАЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР 120 МЛРД. СЎМ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ

1

“NARPAY JAVOXIRI 2019” МЧЖ

(Кармана туманида)

Чорвачилик кластерини ташкил этиш

Лойиҳа қиймати	7,3 млрд. сўм
Кредит суммаси	5,1 млрд. сўм
Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми	5 400 тонна.
Йиллик маҳсулот сотишдан тушум	18,2 млрд. сўм
Яратиладиган ишни ўрни	20 та
Бюджетга тушум	0,9 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушни муддати	2021 йил 1-чорак

2

“ZIM BOSHI” ФХ

(Наабаҳор туманида)

Коракўлчиликни ривожлантириш

Лойиҳа қиймати	8 млрд. сўм
Кредит суммаси	6,0 млрд. сўм
Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми	1 400 дона
Йиллик маҳсулот сотишдан тушум	1,7 млрд. сўм
Яратиладиган ишни ўрни	16 та
Бюджетга тушум	85 млн. сўм
Лойиҳа ишга тушни муддати	2021 йил 1-чорак



3

“KOGON CHINOR CHORVASI” МЧЖ

(Когон шахрида)

Коракўл терини қайта ишлаш корхонасини курилиши

Лойиҳа қиймати	6,6 млрд. сўм
Кредит суммаси	4,6 млрд. сўм
Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми	700 тонна.
Йиллик маҳсулот сотишдан тушум	3,2 млрд. сўм
Яратиладиган ишни ўрни	50 та
Бюджетга тушум	0,2 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушни муддати	2021 йил 1-чорак



4

“ZARAFSHON BO’RDOQCHILIK” МЧЖ

(Қизилтепа туманида)

Коракўл зотти қўйларни кўпайтириш

Лойиҳа қиймати	5,0 млрд. сўм
Кредит суммаси	3,5 млрд. сўм
Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми	500 тонна.
Йиллик маҳсулот сотишдан тушум	2 млрд. сўм
Яратиладиган ишни ўрни	22 та
Бюджетга тушум	0,1 млрд. сўм
Лойиҳа ишга тушни муддати	2021 йил 1-чорак



Жумладан, **“NARPAY JAVOXIRI 2019” МЧЖ**. Чорвачилик кластерини ташкил этиш. Лойиҳа қиймати 7,3 млрд. сўм. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати: - бойитилган озуқа (гранула) бир йилда - 5 400,0 тонна, наслли қўйларни (раманов ва ҳисори зотли) бир йилда кўпайтириш - 2 000,0 та қўзичоқ. Йиллик тушум: - 18,2 млрд. сўм. Яратиладиган янги иш ўринлари сони – 20 та.

“ZIM BOSHI” фермер хўжалиги. Қоракўлчиликни ривожлантириш мақсадида майда шохли молларини кўпайтириш билан шуғулланувчи корхона. Лойиҳа қиймати 6,0 млрд. сўмни ташкил этади. Йиллик қуввати – 1 400 та дона қўй. Йиллик тушум – 1,7 млрд.сўм. Яратиладиган ишчи ўринлари 16 та.

“KOGON CHINOR CHORVASI” МЧЖ. Қоракүл зотли қўйларни кўпайтириш билан шуғулланувчи корхонаси. Лойиха қиймати 4,6 млрд. сўмни ташкил этади. Яратиладиган ишчи ўринлари 50 та.

“ZARAFSHON BO’RDOQCHILIK” МЧЖ. Қоракўл зотли қўйларни кўпайтириш билан шуғулланувчи корхона. Лойиҳанинг қиймати 3,5 млрд. сўмни ташкил этади. Яратиладиган ишчи ўринлари 22 та.

ЛИМОНЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИШЛАР



З 3 та йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар натижасида жами 852,5 гектар ер майдонда иссиқхоналар ташкил этилади. Шу билан берга 4 500 та доимий ишчи ўринлари яратилади (мавсумий ишчи ўринлари билан бергаликда 10 мингдан ортади.)

“Туронбанк” АТБ томонидан лимончилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар

Жорий йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир құшымча чора-табдирлар түғрисида”ғи ПҚ-4610-сонли Қарорға мувоғиқ Туронбанк зиммасига 1674 гектар ер майдонда ташкил этиладиган замонавий иссиқхоналарни молиялаштириш вазифаси юклатилған. Ушбу иссиқхоналарни барпо этиш учун Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) жамғармасининг **50,0** млн. **АҚШ** доллари миқдорида кредит ресурслари жалб этилди.

Мазкур топшириқларни бажариш учун 3 та йұналишда ишлар бошлаб юборилған.

Биринчи йўналиш бўйича, 204 гектар замонавий лимончилик иссиқхоналарини қуриш учун ажратилган 46,3 млн. долларлик 100 та лойиҳа тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди ва ушбу иссиқхоналарни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди.

Натижада 1406 та янги ишчи ўринлари яратилади, мавсумий иш ўринлари билан биргаликда 2500 та;

Иккинчи йўналиш бўйича, лимончиликка ихтисослашган ва Туронбанкка биритирилган туманлар заҳирасидаги сувсиз ва бонитети паст бўлган ер майдонпарида 550,5 гектар иссиқхоналарни ташкил этиш бошлаб юборилди. Мисол учун,

- Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида 16,5 гектар ва Кўмқўрғон туманида 33 гектар, II-босқичда 36 гектар Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан (вилоятда 85,5 гектар);
- Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида 30 гектар ва Нишон туманида 20 гектар (вилоятда 50 гектар);
- Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида 50 гектар ва Булунғур туманида 10 гектар (вилоятда 60 гектар);
- Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида 41 гектар;
- Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида 20 гектар;
- Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидан 14 гектар;
- Наманган вилоятининг Поп туманида 50 гектар;
- Андикон вилоятининг Балиқчи туманида 60 гектар ва Избоскан туманида 15 гектар (вилоятда 75 гектар);
- Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида 50 гектар;
- Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида 17 гектар;
- Тошкент вилоятининг Чиноз туманида 34,5 гектар, Бўка туманида 16 гектар, Янгийўл туманида 37,5 гектар (вилоятда 88 гектар) лимончилик иссиқхоналари ташкил этилади.

Учинчи йўналиш бўйича, Туронбанк устав капиталига берилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ажратилган кредитлар ҳисобидан жорий йилда қайтадиган 24 млрд.сўм, шунингдек “Агробанк” АТБдан жалб қилинган 40,0 млрд.сўм, жами 64 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан 98 гектар ер майдонда 1875 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилмоқда.

Ушбу 3 та йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар натижасида жами 852,5 гектар ер майдонда иссиқхоналар ташкил этилади ва бу орқали 4 500 та доимий ишчи ўринлари яратилади. (мавсумий ишчи ўринлари билан биргаликда 10 мингдан ортади.)

VI. Молиявий ресурслар таркиби.



“Туронбанк” АТБнинг молиявий ресурслар таркиби 2021 йилда 3 216 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Шундан, Эксимбанк (Хитой) кредит линиясидан 691,5 млрд. сўм, Осиё тараққиёт банкидан 105,0 млрд. сўм, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан 115,0 млрд. сўм, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан (IFAD) 36,8 млрд. сўм ҳамда Миллий банқдан жалб қилинган маблағларидан 105,5 млрд. сўм молиялаштирилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий кредит линияларидан, бунда: Росэксимбанқдан (Россия) 13,7 млрд. сўм, Эксимбанк (Туркия) кредит линиясидан 63,0 млрд. сўм ҳамда АКА банқдан (Германия) 53,6 млрд. сўм жалб қилиш кўзда тутилмоқда.



Бунда юқори ликвидли активлар 2021 йил якунига **12,5** фоизни ва Капитал етарлилиги күрсаткичи эса **14,0** фоизни ташкил этиши мүлжалланган.

VII. Чакана бизнесни ривожлантириш

2021 йилда банкни чакана хизматларни күрсатиш банкига айлантириш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилган:

- Республиканинг аҳоли гавжум бўлган шаҳар ва туманларида 2021 йилнинг сўнгига қадар 20 га яқин замонавий Банк хизматлари оғислари иш бошлиши мўлжалланган;



- Банкнинг мобил иловасини тубдан янгилаш, илова орқали масофавий хизмат турларини кенгайтириш, иловада халқаро пул ўтказмалари, kontaktсиз тўлов тизими (NFC), халқаро пластик карталар ўртасида пул ўтказмалари, “cash back” тизими, электрон хамён ва бошқа хизматларни жорий қилиш;

- Тажриба тариқасида 1 дона автоматлаштирилган ўз ўзига хизмат күрсатиш қурилмасини ишга тушириш (VTM), бу орқали 24/7 режимида ахолига сифатли рақамлаштирилган хизмат турларини тақдим этиш;

- Республика бўйлаб 20 дона картоматлар ўрнатиш ва бу орқали ахолига 24/7 режимида карталарни лаҳзали чиқариб бериш тизимини жорий қилиш;
- Янги очилиши режалаштирилган замонавий банк хизматлари оғисларини инобатга олган холда, 60 дона замонавий ресайклер туркумидаги (35 дона *Uzcard* ва 25 дона *Nito тўлов тизими учун*) банкоматларни харид қилиш;
- 2021 йилда аҳоли омонатлари қолдиғини **1 125,0 млрд.сўмга** етказиш.

VIII. Ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва валюта амалиётлари ҳажмини ошириш мақсадида, банк томонидан қуидаги ишлар амалга ошириш режалаштирилган:

- 2021 йилда ташқи савдо амалиётлари ҳамда хорижий валютадаги олди-сотди амалиётларига доир ҳисботларни автоматлаштириш;
- SWIFT тизимидан кирувчи ва чиқувчи тўловларни қайта ишлашда инсон омилини камайтириш мақсадида, учинчى дастур иштирокисиз тўғридан-тўғри банкнинг АБГа юклаб олиш имконини яратувчи интеграцияни амалга ошириш;
- 2021 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳамда ЎзРВБси орқали мижозларга чет эл валютасини сотиш ҳажмини **230,0 млн. долларга** етказиш;
- Мижозлар билан тузиладиган спот шартномалари асосидаги амалиётлар ҳажмини **100,0 млн. долларга** етказиш.



IX. Банк бўлинмаларини таъмирлаш фаолияти

2021 йилда “Янги сотиб олиниши кўзда тутилаётган бино”нинг сарф харажатлари учун жами **50,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган (ушбу бинони капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун жами **15,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши қўзда тутилган).

Жумладан, Марказий амалиёт бошқармасига 50,0 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

2021 йилда “Янги қурилиши кўзда тутилаётган бинолар”нинг сарф харажатлари учун жами **17,5 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Жумладан, Марказий амалиёт бошқармасига 1,5 млрд. сўм Зангиота филиалига 7,5 млрд. сўм, Гулистон филиалига 4,0 млрд. сўм, Термиз филиалига 3,0 млрд. сўм ҳамда Навоий филиалига 1,5 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

“Туронбанк” АТБнинг янги сотиб олинган биноси, филиаллари биноларини ва ижарага олинган биноларининг капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун жами **30,1 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Жумладан, Марказий амалиёт бошқармасига 15,0 млрд. сўм Наманган филиалига 4,4 млрд. сўм, Чилонзор филиалига 3,0 млрд. сўм, Шахрисабз филиалига 3,0 млрд. сўм, Мирзо-Улуғбек филиалига 1,5 млрд. сўм, Яшнобод филиалига 0,9 млрд. сўм, Бухоро филиалига 0,7 млрд. сўм, Жиззах филиалига 0,7 млрд. сўм, Самарқанд филиалига 0,2 млрд. сўм, Фарғона филиалига 0,2 млрд. сўм, Урганч филиалига 0,2 млрд. сўм, Юнусобод филиалига 0,1 млрд. сўм, Нукус филиалига 0,1 млрд. сўм ҳамда Андижон филиалига 0,1 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

“Туронбанк” АТБ филиал бинолари ва ижарага олинган биноларининг жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун жами **1,9 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Жумладан, Бухоро филиалига 0,5 млрд. сўм, Миробод филиалига 0,3 млрд. сўм, Фарғона филиалига 0,3 млрд. сўм, Қарши филиалига 0,3 млрд. сўм, Зангиота филиалига 0,3 млрд. сўм, Термиз филиалига 0,2 млрд. сўм ҳамда Чилонзор филиалига 0,1 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги қурилиш кўзда тутилган ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун жами **99,5 млрд. сўм** миқдорида маблағлар ажратилиши белгиланган.

Х. 2020 йил учун банкнинг молиявий кўрсаткичлар таҳлили

(млн.сўм)

№	Кўрсаткичлар	2020 йил якунига қадар кутилаётган натижа	2021 йилга (прогноз)	Ўзгариши
1	Жами активлар	9 100 000	9 900 000	8,8%
2	Жами капитал	1 187 526	1 280 000	8,0%
